



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 17 март, № 53 (6488)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Етмиш хил дизайн таклиф этилади

Наманган

Тўрақўрғон туманидаги "Азиз Аваз соф савдо" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган замонавий мебеллар ўзига хос дизайни ва мустақамлиги билан хорижликдан асло қолишмайди.

Шаҳанд қишлоғидаги фойдаланилмай турган бинони ўз тасарруфига олган мазкур тадбиркорлик субъекти томонидан 200 миллион сўмлик сармоя эвазига тахтага ишлов бериш ҳамда гул солишга мўлжалланган технологик линия келтириб ўрнатилди. Ҳозирги пайтда у ерда меҳмонхона, ошхона

ҳамда ётоқхонага мўлжалланган 70 дан ортик турдаги импорт ўрнини босувчи мебеллар тайёрланмоқда. — Қишлоғимизда хунармандлар кўпчилиги ташкил этади, — дейди ушбу жамият иш бошқарувчиси Анваржон Абдуллаев. — Эндиликда улардан 20 нафарга яқини жамоамиз сафида меҳнат қиляпти.

Таъкидлаш керакки, вилоят саноат салоҳиятини оширишда "Азиз Аваз соф савдо" сингари кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси тобора ортиб бораётди. Хусусан, ўтган йили уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80,2 фоизга етди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навбатдаги меҳнат ярмаркаси

Қорақалпоғистон Республикаси

меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда ҳудуддаги корхона ҳамда ташкилотлар 126 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

— Ўтган йили Эллиққалъа тиббиёт коллежини битиргандим, — дейди меҳнат ярмаркаси иштирокчиси Қундуз Жумаева. — Бугунги тадбир туфайли туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира бўлиб ишга кирдим. Бундан жуда ҳам хурсандман.

Тадбир сўнггида турли меҳнат жамоаларида фаолият юритиш имконига эга бўлганлар сони қарийб 100 нафарга етди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Талаб ортиб борапти

Фарғона

Шаҳардаги "А. Акбарали" масъулияти чекланган жамиятида пахта толасидан тайёрланаётган калава ипга ташки бозорда ҳам талаб ортиб борапти.

Корхона цехлари 4 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига энг сўнгги технологиялар асосида жиҳозлангани ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги бунга замин яратди.

— Ўтган йили 6 миллион доллари экспорт амалиётини бажардик,

— дейди жамият раҳбари Хайрулло Парпиев. — Жорий йилда ушбу кўрсаткичи янада ошириш учун 300 кишилик жамоамиз астойдил меҳнат қилмоқда.

2015 йил вилоят иқтисодиётида тарихий ўзгаришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш борасида қўрилган чора-тадбирлар боис ҳудудий тасарруфдаги 159 та субъект томонидан 223,1 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди.

Мамур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида эътироф этилганидек, республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Дехқону фермерларимиз гайрат-шижоати туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмаси ҳам тобора ривожланыпти.



АГРОСАНОАТ ЮТУҚЛАРИ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК



Жумладан, ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси таш-

га, хорижий ишбилармон ва сармоядорлар эътиборини ҳам жалб қилмоқда. Кеча пойтахтимизда иш бошлаган "WorldFood Uzbekistan — 2016" ва "AgroWorld — 2016" халқаро

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

кил этилди ва модернизация қилинди. Мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса йил давомида нархларнинг ошиб кетмаслиги, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, экспорт ҳажмини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этапти.

Дарҳақиқат, бу каби ютуқлар бизга қувонч бахш этиши билан бир-

кўرғазмалари бунинг аяқол тасдигидир. Негаки, ушбу тадбирларда маҳаллий етиштирувчи ҳамда ишлаб чиқарувчилардан ташқари, АҚШ, Хитой, Германия, Испания, Италия, Франция, Португалия, Буюк Британия, Польша, Индонезия, Малайзия, Болгария, Словакия, Литва сингари 30 га яқин давлатларнинг 160 дан зиёд компания ва фирмалари вакиллари қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ШХТ Котибияти:

«Ўзбекистон иқтисодиётидаги барқарор ўсиш тамойили келажакда ҳам сақланиб қолади»

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Котибиятининг www.sectso.org расмий веб-саҳифасида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва ушбу тузилма билан ҳамкорлиги истиқболларига бағишланган мақола эълон қилинди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Унда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги барқарор ривожланиш кўрсаткичлари юқори баҳоланган. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида мураккаб вазият ҳукм суриб турганига қарамастан, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми аста-секин ўсиш суръатларида қўрилган чора-тадбирлар боис ҳудудий тасарруфдаги 159 та субъект томонидан 223,1 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди.

Материалда инкирозга қарши чора-тадбирлар ўз вақтида қабул қилингани мазкур йўналишлардаги муваффақиятларда муҳим омилидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди, давлатимизнинг бу борада

танлаган стратегияси Ўзбекистон иқтисодиётини номақбул таъсирлардан сақлаб қолиш, янгидан-янги ютуқларга эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлгани омма эътиборига хавола қилинган.

Порталда республиканинг ўтган йилги макро-иқтисодий кўрсаткичлари хусусида тўхталиб, бюджетнинг барқарор профити, олтин-валюта захиралари ортиб бораётгани ҳамда банк тизими барқарор эканлигига ургу берилган. Унда Ўзбекистон раҳбариятининг молиявий маблағларни ўзлаштириш масаласига нисбатан чуқур ўйланган ёндашуви мавжудлиги, бугунги кунда давлат қарзи пастиги таъминланаётгани эътироф этилган. Мақолада юқоридаги каби ижобий натижалар қисқа ва узоқ муддатли истиқболда ҳам

сақланиб қолишига ишонч билдирилган.

Бундан ташқари, веб-сайтда Ўзбекистоннинг жорий йилда 15 йиллик юбилейини нишонлайдиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, юртимизнинг ШХТ тизимида тулган ўрни ҳақида фикр билдирилган. Жумладан, мамлакатимиз 2015 йил 11 июлдан буён унинг амалдаги раиси эканлиги таъкидланган. Республикамикимизга 2003-2004 ва 2009-2010 йилларда ҳам ана шундай ваколат ишониб топширилган эди.

«Мамлакатнинг ушбу ташкилотдаги раислиги доирасида жорий йил июнь ойида қатор тадбирлар, жумладан, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг йилги мажлиси бўлиб ўтди, — деб ёзилади порталда. — Учрашувлар якунлари бўйича бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқдаки, улар ушбу тизимнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб беради».

«Жаҳон» АА. Пекин

«ТАШАББУС — 2016»

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ташкил этилаётган «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Энг фаол ишбилармонлар кўриги

Давлатимиз раҳбари томонидан 1996 йилда асос солиниб, шундан буён аънавий равишда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ишбилармонларни рағбатлантириш, уларнинг илгор тажрибаларини оммалаштириш борасида энг муҳим тадбирга айланди. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка кенгроқ жалб этиш, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, шунингдек, соҳаларни кооперация алоқаларини мустақамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Негаки, танлов доирасида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазма-ярмаркаси ташкил этилаётгани, турли учрашувлар, тақдирот маросимлари ва маҳорат дарслари уюштирилаётгани бизнес фаолиятини бошлаш ниятидаги юртдошларимиз учун айна мудао бўлаётди.

(Давоми 2-бетда.)

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида анжуман ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ҳамда идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, барқарор авлоднинг воғда етказиш, жамиятда соғлом турмушнинг қарор топтириш юзасида кенг қўлмалаш ишлар олиб борилмоқда. Истеъмол бозорига хавфсиз, сифати кафолатланган, микро-нутриентларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, оилаларда рационал овқатланиш маданиятини тарғиб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриляпти.

Анжуманда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш давлатимиз сийбосининг устувор йўналишларидан бири экани қайд этилди. Бугунги кунда мазкур вазифалар «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Йод етишмаслиги касалликларини профилактикаси тўғрисида»ги, «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги каби қатор қонунларга асосланиб амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, илм-фан ва техника тараққиётига ҳамроҳ равишда озиқ-овқат саноати жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда таркибда гени ўзгаририлган организмлар мавжуд маҳсулотларни республикамиз ҳудудида олиб кириш ҳамда истеъмол қилинишини

чеклаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида ҳам аҳоли, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, болаларнинг овқат рационини сифати ҳамда хавфсизлиги масаласига ургу берилиб, бу борадаги норматив-ҳуқуқий базани янада мустақамлашга доир вазифалар белгиланган. Ана шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ҳамда хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Тадбир иштирокчилари томонидан мамлакатимизда хавфсиз ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан, мева-сабзавот ва гўшт-сут етиштириш ҳажмини янада ошириш, маҳаллий корхоналарда инсон саломатлиги учун зарур бўлган микронутриентлар билан бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш орқали аҳолининг соғлом овқатланишини ташкил этиш чора-тадбирларини таҳлил қилдирилди.

Тадбирда соҳага оид қонун ижодкорлиги жараёнида изчилик ва самарадорликка эришиш, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмидаги такомиллаштиришга қаратилган амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ф. МАҲКАМОВА.

Аёл бахти

мамнуният ила тингладик. Ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла қалбимизга олам-олам қувонч бағишлади. Айниқса, табриқдаги мана бу қанотбахш иборадан ниҳоятда таъсирландик: «Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни енгиб ўтишда руҳимизни кўтариб, қучимизга — куч, гайратимизга — гайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўтабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир».

Умуман, давлатимиз раҳбарининг табриқи, аввало, бир она, қолаверса, шифокор

сифатида менда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатан ҳам, Онага, Аёл зотиға юксак эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиздан биридир. Юртимизнинг Бош майдонидан бахтиёр она сиймосини ифода этган музаззам хайкал ўрнатилгани,

ДИЛ СЎЗИ

Мустақиллик монументи билан уйғунлашган ушбу маҳмуға «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб ном берилганлигининг ўзи оналарга, она-сингилларимизга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Аёл — мукарам зот. Мамлакатимизда хотин-қизларни қадрлаш ва эъзозлаш

(Давоми 2-бетда.)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).


Халқаро кўргазмалар Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, "Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳамда "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилган бўлиб, хусусан, "WorldFood Uzbekistan —

Шунингдек, Словакиянинг "PSS Svidnik", Италиянинг "Pietribiasi", Хитойнинг "Shanghai Triowin" компаниялари қайта ишлаш ускуналари ҳам қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Ўзбекистонда бошқа соҳалар қаторида қишлоқ ҳўжалиги ҳам жадал ривожланаяпти, — дейди Малайзиянинг "Malaysian Palm Oil Council" кенгаши вакили Зариф Аҳмад. — Бунга бир неча йиллардан буён ушбу

кўргазмада иштирок этиш давомида гувоҳ бўлаёмиш. Айниқса, юртингиз заминидега етиштириладиган мева-лар мазаси ва сифати билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, бу ерда қайта ишлаш саноати ҳам анча тарқалиб топмоқда.

Биласиз, ҳозирги кунда дунё озиқ-овқат саноатида палма ёғига талаб юқори. Нега деганда, у инсон соғлиги учун фойдалидир. Шу боис биз кўргазмада иш-



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап осудалик ҳақида борар экан, дунёда рўй бераётган айрим воқеа-ҳодисалар ҳар биримиздан доимо ҳушёр ҳамда огоҳ бўлишни талаб этади. Баъзи мамлакатларда бузғунчилик авж олиб, ўзгалар ҳаётига раҳна солинаётгани кишини қаттиқ ташвишлантиради. Мана шундай пайтда беихтиёр

ни шу муқаддас Ватан фуқароси сифатида кимни қувонтирмайди?! Жондан азиз дилбандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш, айниқса, қиз боланинг тақдири ҳақида чўқур ўйлаш, уни бамисоли жамиятимизнинг гулидек тарбиялаб, воғга етказиш, бўлажак оиланинг бахтли бекаси бўлишини инobat-

АГРОСАНОАТ ЮТУҚЛАРИ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

2016" тўртта — "Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлари", "Советиш ва ресторан ускуналари", "Қадоқлаш технологиялари" ҳамда "Қайта ишлаш ускуналари" йўналишларини қамраб олган. Уларда намоиш этилаётган маҳсулотлар эса турфа хил. Масалан, мамлакатимизда фаолият юритаётган "Тарози Класс" корхонаси замонавий тарозиларни тақдир этиётган бўлса, "United Food Machinery" компанияси иштирокчиларни қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари билан яқиндан таништиряпти.



тирокчиларга ушбу маҳсулотимизни тақдир қилаёмиш.

Ўтган даврда бир қатор ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан алоқа ўрнатган бўлсақ, мазкур кўргазма эса ўзaro ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун ўзига хос восита бўлишига ишонамиш.

"AgroWorld — 2016" халқаро кўргазмаси ҳам экспозицияга бойлиги билан диққатни тортади. Унинг "Паррандачилик", "Чорвачилик", "Донни қайта ишлаш ва сақлаш ускуналари", "Омихта ем ишлаб чиқариш ускуналари", "Ветеринария",

"Қишлоқ ҳўжалиги техникаси" бўлимларидан жаҳоннинг энг илғор компания ва фирмаларидан келтирилган технологиялар жой олган. Шу маънода, бу кўргазма фермерларимиз учун ҳам фойдалидир. Чунки унда қишлоқ мулкдорлари экинни парваришладан тортиб, қайта ишлашга — барча жараён учун замонавий ишланмалар билан танишишлари, уларни харид қилиш бўйича келишувга эришишлари мумкин.

— Чиндан ҳам, кўргазма биз учун катта имкониятлар эшигини очиб беради, — дейди Пахтабод туманида-

ги "Ҳожиматов Шерзод" фермер ҳўжалиги раҳбари Маҳмадбоқи Ҳожиматов. — Айтилик, биз бир неча йил илгари пахтачилик ва галлачиликка ихтисослаштирилган ҳўжалигимизда боғдорчиликни ҳам йўлга қўйган эдик. Боғимиз бу йил тўлиқ ҳосилга кирди. Шу боис меваларни қайта ишловчи ускуна сотиб олиш мақсадида кўргазмага келдик. Ҳўжалигимизни кўп тармоқли ишлаб чиқариш субъектига айлантиришимиз учун шaroит ҳам, имконият ҳам етарли.

Халқаро кўргазмалар 18 мартга давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Натижада кичик бизнес субъектлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирдиш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ҳиссаси ортмоқда.

Кувоннарлиси, юртимиз ишбилармонлари томонидан тақдир этилаётган маҳсулотлар ўзининг сифат кўрсаткичлари билан бемалол рақобатга кириша олади. Бунга "Ташаббус — 2016" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари фаолияти билан яқиндан танишган киши яна бир қарра ишонч ҳосил қилади.

Дарҳақиқат, танловнинг куйи босқичида юзлаб ишбилармонлар орасида голибликни кўлга киритган 22 нафар энг илғор тадбиркор ва хўнарманд маҳсулотлари кўргазмаси бу соҳа вакиллари иқтисодийликда етакчи куч сифатида тўла шаклланидан далолат бермоқда. Улар томонидан тақдир этилаётган турфа хилдаги

Энг фаол ишбилармонлар кўриги

маҳсулотлар хорижикидан асло қолишмайди. Маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқариладиган саноат ва халқ истеъмоли молларининг сифати юқорилиги боис ташқи бозорларда ҳам тобора хариддориг бўлиб бораёпти. Мисол учун, "Magnus Industrial Group" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотнинг 95 фоизи МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Биз диаметри 2 мм.дан 42 мм.гача бўлган мис кувурлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, — дейди мазкур жамият раҳбари Анвар Нодирхонов. — Бунинг учун 2011 йилда 6 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияни жалб этиб, АҚШ ва Хитой каби давлатлардан энг замонавий ускуналарни олиб келдик. Натижада автомобильсозлик, электротехника, қурилиш материаллари саноатида

талаб юқори бўлган муҳим материал ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Келгусида кийимати 1,5 минг АҚШ долларилек яна бир инвестициявий лойиҳани амалга ошириб, мис фитинглар тайёрлаш ниятидамиз.

Тадбир қатнашчилари ва меҳмонларидега "Statura" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Сабаби, ушбу корхонада Италия технологияси асосида электр сув иситиш ускуналари, дудбурон ва бошқа импорт ўрнини босувчи ҳизматлар ишлаб чиқаришмоқда. Корхона раҳбари Булат Содиковнинг айтишича, биргина электр сув иситиш ускуналаридан йилга 25 минг донга тайёрланиб, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларга етказиб берилаёпти.

Пойтахтлик хўнармандлар эришадиган ютуқлар ҳам эътиборга

лоийк, Айтилик, уста хўнарманд Алишер Убайдуллаев қандакорлик, ўймакорлик ва миниатюра унсурларини моҳирона уйғунлаштириб, санъат асарлари яратадиган бўлса, қаштадўз Мадина Қосимбоева Тошкент қаштачилик мактабини қайта тиклашга муяссар бўлди.

— Тошкент қаштачилигининг ўзига хослиги шундаки, у игна ёрдамида тикилиб, матонинг очик қийи қолмайди, — дейди хўнарманд. — Шу боис битта палак тикиш учун ўртача олти ой вақтимиз кетади. Бугунги кунга қадар ойпака, юлдузпалак, тоғорапалак каби тўққизта қадимий сўзана нусхасини қайта тикладик. Уларнинг нақшлари асосида чопон, ёстиқ, пойабзал ва сумкалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйдик. Бу каби маҳсулотларимиз Италия, АҚШ, Жаңубий Корея сингари кўплаб хо-

рижий давлатларда ўтказилган халқаро кўргазма ва танловларда юқори баҳоланмоқда.

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу йилги танлов қатнашчилари фаолиятини баҳолашда нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичи, балки фаолиятига татбиқ этган ингиликлари, яратган қўшимча иш ўринлари, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйгани каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада "Энг яхши тадбиркор" йўналишида Чилонзор туманидаги "Magnus Industrial Group" корхонаси раҳбари Анвар Нодирхонов, "Энг яхши хўнарманд" йўналишида эса Олмазор туманилик моҳир қаштадўз Мадина Қосимбоева биринчи ўринни кўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Тадбирда, шунингдек, қўшимча номинациялар Чилонзор туманидорлар ҳам аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги анжуманда "Ўзавтойўл" акциядорлик компаниясининг ўтган йилдаги фаолияти ва истиқболдаги режалари ҳақида сўз юритилди.

● Гулистонда тадбиркорлик субъектларига "ағона дарча" тамойили бўйича давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва унинг аҳамияти, яратилаётган қулайлик ҳамда имкониятлар масалаларига бағишлаб ўқув-семинар уюштирилди.

● Андижонда "Қадриятларимиз кўзгуси" шиори остида миллий ва замонавий либослар форуми ташкил этилди. Тадбирда таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ёш хўнармандларнинг миллий ва замонавий услубдаги либослари, шунингдек, чевар, зардўз ва дўппидўзлар тайёрлаган маҳсулотлар намоиш қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Наврўз байрамига бағишланган «Ёшлик баҳори» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Шаҳарсозликдаги «яшил қурилиш»

атроф-муҳит ободлиги, турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Кейинги йилларда йирик аҳоли ҳудудларида кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда, умуман, бунёдкорлик ва шаҳарсозлик жараёнида "яшил қурилиш" атамасига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки "яшил қурилиш" ҳар хил тупроқ-иқлим шароитига мос боғ ҳамда хиёбонларни яратиш, архитектура-қурилиш иншоотлари, сув ҳавзалари, йўллар, яшил майдончалар, ландшафтлар учун ўсимлик турларини оптималлаштириш, гуруҳлаш ҳамда уларни экиб, парваришлаш ишларини ўз ичига олади. Қолаверса, дарахтзорлар, яшил ҳудудлар атмосфера ҳавосини кислород билан бойитиш ва заҳарли газлардан тозалашнинг муҳим воситаси сифатида экотизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

БУНЁДКОРЛИК

Олимларнинг айтишича, фотосинтез жараёнида бир гектар ердаги дов-дарахт ва ўсимликлар 200 нафар одамнинг нафас олишига етарли бўлган кислородни ишлаб чиқариш баробарида, бир соат мобайнида ҳаводаги 8 килограмм карбонат ангидридни ўзлаштиради. Бошқа айтганда, шаҳарда бир инсон нафас олиши учун зарур бўлган мўтадил хаво таркибини 50 квадрат метр ҳудуддаги яшил майдонлар таъминлаб беради. Лекин атмосферада карбонат ангидриднинг аксарият қисми тарқалиб кетади ва кўп бўлмаган қисмигина "яшил қалқон"лар томонидан ўзлаштирилади.

Дарахт ҳамда бута турларининг газ-ҳаво алмашинувидидаги ўрни бир хил эмас. Мисол учун, оддий арча дарахтининг ҳавонини тозалаш самарасини 100 фоиз деб олсак, қарағай 164, йирик баргли жўкада 254, эманда 450 фоизга етади.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз — Тошкент шаҳри истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси

билан юксак маданият ва бой коммуникация имкониятига эга, гўзал, экологик жиҳатдан тоза, аҳоли истиқомат қилиши учун ҳар тарафлама қулай шаҳри асимга айланди. Келажакни кўзлаб амалга ошириладиган бу каби ишлар нафақат боғчиликнинг кўп қисмига бугунги кунда пойтахтни кўкаламзорлаштириш даражаси дунёнинг жуда кўп шаҳарларига нисбатан юқори бўлиб турибди. Бунда босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилган қонунлар, Фармон ва қарорлар, манзилли дастурларнинг аҳамияти катта бўлди.

Бундан чорак аср олдин, яъни 1990 йилнинг 20 январидега Юртбошимиз Тошкент шаҳри фаоллари билан ўтказилган учрашувдаги сўзида "...Тошкентнинг шухратини оширишимиз, ҳар бир хонадон ва ҳар бир маҳаллада, ҳар бир корхона ва ташкилотда, катта ва кичик ҳар бир кўчада тартиб ўрнатишимиз лозим. Хуллас, Тошкентга юксак маданият шаҳрига айлантиришимиз керак, замонадошларимизгина эмас, фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам у билан ҳақли равишда фахрланадиган бўлинлар. Ҳозир ҳам биз

кўҳна Тошкент билан, унинг тарихи, маданияти билан, унинг ажойиб ўтмиши билан фахрланамиз", деб таъкидлаган эди. Бугун англаб етишимиз керакки, Тошкент шаҳрини дунёнинг энг гўзал пойтахтларидан бирига айлантириш ҳаракати аслида ўша йиллардан бошланган. Ўтган даврда пойтахтимизда ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун асарларга таътигулик бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда, кенг қамровли кўкаламзорлаштириш тадбирлари ҳам амалга оширилди. Бетон ва асфальт кенгликлар ўрнида ям-яшил майдонлар барпо этилди. Бундай ҳудудлар атрофидаги майсазорлар узра турли мамлакатлардан келтирилган камёб дарахтлар, буталар ва гуллар экилиши эса уларнинг кўригига кўрк бағишлаш баробарида, шаҳар иқлимини мўтадил сақлашга хизмат қилаётди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўрнатган меъёрлар бўйича шаҳарлар ҳудудининг камида 15 — 20 фоизи кўкаламзор ерлардан иборат бўлиши керак. Шунда аҳолининг тоза ҳаводан нафас олишига, мўтадил иқлимни сақлаб туришига замин яратилади.



Бугунги кунда Тошкентнинг 15200 гектари яшилликдан иборат. Бундан ташқари, шаҳар ҳудудида 66 гектар жойини эгаллаган "Ботаника" боғи ва умумий майдони 158,4 гектарни ташкил этувчи 18 та маданият ва истироҳат боғлари мавжуд. Яшил ҳудудлар шаҳар умумий майдонининг 30 фоизини ташкил этади. Демак, пойтахтимиз бу жиҳатдан амалдаги меъёрларга нисбатан қарийб икки баробар кўп кўкаламзорлаштирилган ҳудудга эгаллиги билан ажрალიб туради. Ваҳолонки, мустақилликнинг илк йилларида шаҳарда киши бошига бор-йўғи 21 квадрат метр яшил майдон тўғри келарди, холос. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 70 квадрат метрга етган.

Дарҳақиқат, пойтахтда ўсимликларнинг иқлимлаштирилиши яхши йўлга қўйилганлиги шаҳар ҳудудининг кўкаламзорлаштиришда манзарали дарахт турларини кўпайтиришга, янгича ландшафтлар яратилишига, пировардида пойтахт қиёфасини бутунлай

лергик ҳолатларга ҳамда хазонезгилиги бўйича узок вақт ҳудуднинг ифлосланишига ва ёнгина сабаб бўлувчи дарахтлар ўрнини алмашлаб экиш ҳисобига кўп миқдорда кислород ажратувчи дарахт ҳамда буталар, экзотик флора турлари режали равишда босқичма-босқич эгаллаб бормоқда.

Айни пайтда пойтахтимизда дарахт ва буталарнинг 220 дан ортиқ тури парваришланаяпти. Шаҳар шароитига мос, чидамли, кўп йиллик, соябоп ва манзарали бўлган япон софориаси, лола дарахти, жўка, сохта қаштан, каталпа, эман, заранг, четан, граб каби дарахтларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хиёбонларда экилган Канада қора қарағайи, Қрим қарағайи, виргин арчаси, туя каби нинабаргли дарахтлар йилнинг ҳар фаслида ҳам шаҳарга ўзгача кўриниш бахш этмоқда.

Шаҳар майдонларини безатишда эса тобулғи, уқчат, жасмин, настарин, дейция, ирғайнинг манзарали турлари, форзициялар, бирючина, сариқ акация, зарғалдоқ, қорағат ва бошқаларнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Бундай ўсимликларнинг ўзига хослиги шундаки, улар нафақат тез ўсади, балки шаҳарнинг экологик шароитига мослашувчанлиги ва манзараси билан алоҳида ажрალიб туради.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш, шу орқали атроф-муҳит мусоффолиги, иқлим мўтадиллигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Айтиш жоизки, 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинимаси — "Economist Intelligence Unit" (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш учун қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўриндан жой олгани бу каби улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўлами нечоғли юқори эканлигидан далолатдир.

И. ХУШВАҚТОВ,
Х. ГАЛПОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари.

ЖАХОН **24** **СОАТ** **ИЧИДА**

2015 йилнинг тўртинчи чорагида Италия ялпи ички маҳсулоти ҳажми ундан аввалги уч ойлик натижа билан қиёслаганда 0,1 фоиз ўсган.

Ўсиш суръати паст



Умуман, йил якунлари бўйича бу борадаги кўрсаткич 0,8 фоизни ташкил қилган. Бунда истёмоқ талаби орта-

ни, инвестициялар ҳажми кўпайгани, экспорт микдори кенгайгани муҳим омил бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур мамлакат иқтисодиёти ижобий томонга ўзгармоқда. Бироқ евроҳудуддаги ўртача ҳолатга (2015 йилда 1,5 фоиз) қараганда барибир нисбатан пастлигича қоляпти.

Режасини ўзгартирди

Ўтган ойда Германиянинг "Volkswagen" автоконцерни маҳсулотлари савдоси 4,7 фоиз пасайган.



Хусусан, мазкур ишлаб чиқарувчи учун энг йирик бозор ҳисобланган Хитойда бу борада 3 фоизлик тушиш қайд этилган. Шу боис немис компанияси фақат жорий йилнинг ўзида инвестициялар ҳажмини 1 миллиард еврога қисқартириб, камда 3000 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмоқчи.

Йирик шартнома

Чамадон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ва маъмурий биноси Гонконгда жойлашган "Samsonite International" компанияси сумкалар ҳамда аксессуарлар тайёрлайдиган "Tumi" (АҚШ) брендини сотиб олишни режалаштираётганини билдирди.



Шартнома қиймати 1,7 миллиард еврони ташкил қилиши айтилмоқда. "Tumi" даромадини учдан икки қисми

океанорти бозоридан олинадди. "Samsonite International" маҳсулотлари, табиийки, Осиеда машхур. Масалан, 2014 йилда унинг чамадонлари савдосининг 38 фоизи шу минтақа улусига тўғри келганди. Икки йирик компаниянинг бирлашуви уларга ўз бозорларини янада кенгайтириш имконини беради.

Кемалар учун рояль

Буюк Британиянинг "Goldfinch" фирмаси томонидан кемалар учун ихчам рояль яратилди.



ёрдамида масофадан туриб бошқарилади.

Дунёдаги энг кичкина мазкур курилмининг узунлиги 127 сантиметрга тенг. Унда музикани инсон ижро этмайди, балки оҳанглар автоматик тарзда таралади. Ноодатий соз манбаси "iPod" ёрдамида масофадан туриб бошқарилади.

Ноёб топилма

АҚШнинг Шимолий Каролина университети олимлари томонидан Монтана штати ҳудудида тираннозавр қолдиқлари топилди. Унинг ёши тахминан 60 миллион йилни ташкил этади.



Мазкур топилма тарихчиларга қадим-

ги судралиб юрувчиларнинг жинсини аниқлаш мезонларини яратиш имконини бериши мумкин, деб ёзилади "Nature" илмий журналида.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Истиқлол йилларида мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида изчил чора-тадбирлар кўриляпти. Сабаби, республикамызда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроги турли даражада шўрланган бўлиб, бу тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигига доимо хавф солиб туради.

ЛИЗИНГ БОЗОРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда

Бироқ ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, тизимли чора-тадбирлар олиб борилаётгани туфайли муаммо ўз ечимини топмоқда. Бу ҳақда сўз юритилганда, Президентимизнинг 1993 йил август ойидаги "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" номли маърузасида айтилган масала юзасидан қуюнчақлик билан билдирган қуйидаги фикрлари ёдга тушади: "Биз учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш устувор йўналишлардан биридир. Агар биз шундай қилмасак, истиқболдан маҳрум бўламиз".

Дарҳақиқат, ушбу жиҳат доимо диққат-эътиборда. Аҳамиятли қисми, ўтган давр мобайнида ҳатто ирригация ва мелиорация тадбирларини мустақил амалга ошира оладиган фермер хўжаликлари ҳам пайдо бўлди. Тўртқўл туманидаги "Исоқ бобо" ва "Тўртқўллик Сўғдиёна", Қорақўл туманидаги "Сайёд замини", Ромитан туманидаги "Уринобод", Нарпай туманидаги "Шукр Жабборов", Узун туманидаги "Тўраев Нодир Нуруллаевич" каби қўлаб фермер хўжаликлари фаолияти бунга аққол мисол бўла олади. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигига самарадорлигини ошириш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган дастурлар, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг юксак самарасидир.

Юртбошимизнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ҳақ шундаки, Фармон ижросини таъминлаш, мелиорация ишларини молиялаштиришнинг принципал янги механизмни жорий этиш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти, шу билан бир вақтда, анкироғи, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги қарорига мувофиқ, "Ўзмелиомашлизинг" лизинг компанияси ташкил этилди.

Мазкур компания фаолиятини давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 19 мартдаги "2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарориди белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси — суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида лизинг олувчиларга замонавий мелиоратив техникаларни

етаказиб бераётгани муваффақиятларнинг бош омил бўлди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги "Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат уни-

стандартларга жавоб берадиган илғор усуллар жорий қилинапти. Бунинг самараси ўларок, бугунги кунда лизинг лойиҳаларини мамлакатимизнинг исталган ҳудудда амалга ошириш имконияти яратилди. Лизинг

Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги "2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, беш йил давомида ирригация тизимида 2 минг 103 километрлик суғориш каналларини қуриш, 96 та гидротехник иншоот барпо қилиш, 558 минг 571 километрлик суғориш каналларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилса, мелиорация жабҳасида 3 минг 852 километрлик коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, 75 минг 507 километрлик зовурларни таъмирлаш-тиклаш ҳамда кенг кўламда реконструкция қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

тар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган 49 та давлат унитар корхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг рақобатдошлигини ошириш, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилмоқда. Натижада ўтган вақт мобайнида сув хўжалиги ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларга лизинг асосида 2000 дан ортқ юқори унумли мелиоратив техникалар, шу жумладан, 781 экскаватор, 240 та бульдозер ҳамда бошқа машина-механизмлар етказиб берилди.

Таъкидлаш кераки, тизимга замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли бажариш, ер ости сув сатҳини пасайтириш имконини яратмоқда. Кейинги етти йилда 1 триллион 627 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 2 миллион 45 минг гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ошишига хизмат қилаётгани қувонарлидир.

Соҳа корхоналари ва фермер хўжаликлари мелиоратив техникалар билан таъминлашнинг энг қулай усули лизинг саналади. Чунки молиявий хизматларнинг ушбу тури имтиёзли шартларда, узоқ муддатга тақдим этилади. Бизнинг компания томонидан кўрсатилаётган бундай хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида халқаро

ҳужжатларини тайёрлаш борасида жойлардаги мутахассислар уларга амалий ёрдам кўрсатишди. Пировардида хизматлар кўламини тобора кенгайтириб, компания лизинг портфели молиявий кўрсаткичи ўтган йил давомида 26 фоиз ошди. 2015 йилда лизинг олувчиларга замонавий техника ҳамда механизмлар етказиб бериш борасида аввалги йилдагига нисбатан 60 фоиз ўсишга эришилди.

Таҳлилларга қараганда, компания томонидан етказиб берилган мелиоратив техникалар



нинг турлари ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Хусусан, ҳозирги кунда миқозларга занжирли экскаватор, бульдозер, автосамосвал, автокран, автобензовоз, "ТТЗ-100 НС" ва "ТС-135" русумли тракторлар, канал ювиш машиналари сингари 20 га яқин техника воситалари лизинг асосида тақлиф этилапти. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, сув хўжалиги ҳамда мелиорация ишлари кўламини кенгайтириш имконини берапти.

Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги "2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Унда

бир-бири билан боғлиқ ҳолдаги ирригация ҳамда мелиорация тадбирларини узвийликда олиб бориш, объектларни реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш, шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали обихаётдан унумли фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ,

ичидаги, балки тармоқлараро ва халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, қолаверса, ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини кенг жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратмоқда. Шу маънода, ушбу тадбир юртимиз ишлаб чиқарувчиларига ўз маҳсулотларини кенгроқ намоиш қилиб, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш, жорий йилга қўшимча шартномалар имзолаш имконини берапти. "Ўзмелиомашлизинг" лизинг компанияси ҳам ушбу йирик саноат форумининг фаол қатнашчиси ўларок, унинг доирасида миқозлар буюртмалари асосида битимлар тузиб, тизимга замонавий техникаларни жалб этапти.

Техникаларнинг фойдаланиш муддатини узайтиришда компания қошида "Мелиомашлизинг-сервис" шубба корхонаси ташкил қилинган катта аҳамият касб этмоқда. Чунки у янги диагностика ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, ҳар бир виллоятда филиалига эга.

Шу ўринда мелиоратив техника, машина ва механизмлар учун чет элдан олиб келинаётган зарур эҳтиёт қисмлар ҳамда бўлғич буюмлар 2018 йилга қадар божхона тўловларидан озод қилинганлиги алоҳида айтиш жоиз. Бу корхона айланма маблағларининг кўпайиши, сервис хизматлари кўрсатиш самарадорлиги ошишида муҳим манба бўлмоқда.

Сир эмаски, ҳар қайси соҳа иштирокчилари мутахассисларнинг салоҳияти белгилаб беради. Шу маънода, мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тизимини учун етук кадрларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратиляпти. Бу жараёнда компания ҳам фаол иштирок этиб, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, қўлаб касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Ўтган йили ўқув муассасаларини ахборот технологиялари билан таъминлаш, шунингдек, сув хўжалигига ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш курсларини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштиришга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, талабалар ўқиш давомида эгаллаган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун тизимда барча шарт-шароит яратиб берилди. Яъни улар компания сервис базаси ҳамда Тошкент виллоятдаги сервис шубба корхонасида амалиёт ўтамоқдалар.

Мелиорация техникаларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш мақсадида 2015 йилдан эътиборан уларга электрон кузатув мосламаси — GPS навигаторлари ўрнатила бошланди. Мазкур курилма ёрдамида масофадан туриб техника воситалари ҳақида мунтазам маълумот олиб туриш мумкин. Бугунги кунга қадар 1300 дан зиёд машина-механизмлар ана шундай мослама билан жиҳозланди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларини янада чуқурлаштириш, ер ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш нафақат жорий йил, балки яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу компания зиммасига ҳам қўшимча вазифалар юклаши баробарида, хизматлар кўламини кенгайтиришни тақозо этади. Зотан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтиришга, деҳқон ва фермерларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтиришга, пировардида аҳоли турмуш фаровонлиги таъминлинишига хизмат қилади.

Ақром СУЛАЙМОНОВ,
"Ўзмелиомашлизинг" лизинг компанияси ижро этувчи директори.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2016 йилнинг 11 мартдан жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари учун очиладиган ҳисоб рақамлари фоиз ставкаларининг ошганлигини маълум қилади.

«Пенсионерлар учун пластик карточка»
(миллий валютада)

- Фақатгина пенсияни кириш қилиш учун очилади.
- Карточкани очиб ва унга хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ахборот (sms, web ҳамда ivr) хизматларини кўрсатиш қўшимча ҳақсиз амалга оширилади.
- Фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Пластик карточка»
(миллий валютада)

- Жисмоний шахслар, шу жумладан, «иш ҳақи лойиҳалари» доирасида корхона ва ташкилотлар ишчи-ҳодимлари учун ҳам очилади.
- Карточкани очиб ҳамда унга хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ахборот (sms, web ва ivr) хизматларини кўрсатиш банк тарифларига қўра ундирилади.
- Фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни (0-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

WWW.NBU.UZ

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси жамоалари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қуввчи, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Баҳодир АБДУРАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси "Mahalla" телерадиоканали давлат унитар корхонаси директори Соҳибжон Алижоновга отаси **Назиржон АЛИЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекэнергоэнергоқурилиш" АЖ жамоаси бош директори ўринбосари Ғайрат Мираҳмедовга онаси **Хатима ИСЛОМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТАЪЛИМ

Бухоро давлат университети мамлакатимизнинг бой тарихига эга, илмий салоҳияти юқори олий ўқув юртларидан бири саналади. Айна дамда бу ерда 35 йўналишда 6246 нафар талаба, 14 мутахассислик бўйича 129 нафар магистр таълим олмақда.

Университет бош биноси фойдаланишга топширилди

Кейинги йилларда университет моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ташқи қиёфаси тубдан ўзгарди. Бунда Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этапти. Қарорга мувофиқ, ўтган йили ўқув даргоҳининг 1700 ўринли 2-ўқув лаборатория биноси реконструкциядан чиқарилган эди. Наврўз байрами арафасида эса мазкур олий таълим муассасасининг бош биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, талабалар тураржойи капитал таъмирланиб, университет музейи ташкил этилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига давлатимиз томонидан 11 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди. Умуман, 2013—2016 йилларга мўлжаллан-

ган бунёдкорлик ишларига ажратилган маблағлар ҳажми 45 миллиард сўмдан зиёддир.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда сўзга чиққанлар янги бинонинг фойдаланишга топширилиши ёшлар таълим-тарбиясига кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси эканини таъкидладилар.


Тадбир доирасида, шунингдек, бир қатор хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимизнинг етакчи олимлари иштирокида "Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатдош, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, олий таълим муассасаларида инновацион ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби йўналишлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
мехр-мурувват, ободлик, яшнатиш ва яшариш айёми —
фусункор Наврўзи олам билан самимий қутлайди!

Қадимий қадриятлари қадрини топган,
нуронийлари улуғланган, фарзандлари баркамол,
оналари ҳамиша эъзозда бўлган Ўзбекистон
аҳлининг эзгу ишларига омад, оилаларига
хотиржамлик, фаровонлик ва
бахт-саодат тилайди!



ИПОТЕКА BANK

**Сизни баҳор байрами —
Наврўзи олам билан
муборакбод этамиз!**

Ушбу айём ҳар бир хонадонга
файзу барака ва бахт
олиб келсин!

Хизматлар лицензияланган.

Азиз ватандошлар!

Fido-biznes

«FIDO-BIZNES»
КОМПАНИЯСИ

сизларни кириб келаётган
шарқона Янги йил —
Наврўз
байрами билан тадбирқилайди!

Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик,
мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилайди!
Баҳор — янгиликнинг ҳамда эзгу орзулар фасли.
Ушбу қўтлуғ айёмда барча
ниятларингиз амалга ошиб, омад ҳамиша
ёр бўлаверсин!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда
оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5 6